

ҲУРМАТЛИ «О'ZSUVLOYИНА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ!

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 1а-уй, манзилида жойлашган, «О'ZSUVLOYИНА» АЖ, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 3 июндаги йиғилиши қарорига асосан, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши **2022 йил 30 июнь** кuni соат **10:00** да жамият маъмурий биносининг мажлислар залида қуйидаги кун тартиби билан ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. Жамият бошқаруви бўйича Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2021 йилги бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, 2016-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгиланган кўрсаткичларга эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботи. «О'ZSUVLOYИНА» АЖ йиллик ҳисоботини 1-чи иловага кўра тасдиқлаш.
3. «НАЗОРАТ-AUDIT» МЧЖнинг 2021 йил якуни бўйича «О'ZSUVLOYИНА» АЖ ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари ва интеграл коэффицентини ҳисоблаш бўйича аудиторлик текшируви ҳисоботини эшитиш.
4. «О'ZSUVLOYИНА» АЖнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
5. «О'ZSUVLOYИНА» АЖнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини эшитиш.
6. «О'ZSUVLOYИНА» АЖнинг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимининг даражасини баҳолаш натижалари тўғрисида «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» Давлат корхонаси хулосасини эшитиш.
7. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг соф фойдасини тақсимлашни тасдиқлаш.
8. «О'ZSUVLOYИНА» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. «О'ZSUVLOYИНА» АЖ Тафтиш комиссиясини бекор қилиш.
10. Ягона ижроия органи – бош директорни сайлаш ва у билан уч йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш тўғрисида.
11. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан келажакда жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти давомида, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда амалга оширилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
12. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар рўйхатини тасдиқлаш.
13. «О'ZSUVLOYИНА» АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича мажбурий йиллик аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини унинг хизматлари учун тўловнинг энг юқори миқдорини аниқлаш билан тасдиқлаш.
14. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш ва «Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»нинг Низомини тасдиқлаш тўғрисида.
15. «О'ZSUVLOYИНА» АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ички ҳужжатларини тасдиқлаш:
 - «О'ZSUVLOYИНА» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом;
 - «О'ZSUVLOYИНА» АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом;
 - «О'ZSUVLOYИНА» АЖ ижроия органи – бош директори тўғрисидаги Низом;

– «O'ZSUVLOYINA» AJning ijroia organi rahbarligiga tanlov ўtkazish Tartiби.

Йиллик умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати **2022 йил « 24 » июнь** ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **2022 йил « 30 » июнь** куни соат соат 9:00 минутда бошланиб соат 9:55 минутгача давом этади.

Умумий йиғилишга тайёргарлик даврида акциядорлар кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотлар (материаллар) билан ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) 9.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 1а-уй, манзилида жойлашган «O'ZSUVLOYINA» AJ жамияти маъмурий биносининг 2-қаватида танишишлари мумкин. Контакт телефон рақамлари: (71) 241-78-56; (71) 241-48-30.

Акциядорлар умумий йиғилишда қоғоз бюллетенлар орқали овоз беришни амалга оширадилар.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) билан келишлари сўралади.

«O'ZSUVLOYINA» Кузатув кенгаши.